



БОБУР ИЖОДИНИНГ ШОХ НАМУНАСИ “БОБУРНОМА”ДА АЁЛЛАР, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ МАСАЛАЛАРИ

Зулфияхон Арипова Солижонова
Фалсафа фанлари номзоди, доцент
Андижон давлат техника институти
“Тиллар ва Гуманитар фанлар” кафедраси
zulfiyaxonaripova@gmail.com

Эргашева С.

Андижон давлат техника институти
Сунъий интелект йўналиши 1-босқич талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада Бобур давлат бошқарувида аёл шахсига юксак эътибор билан қараганлигига тўхталиб ўтиган.

Таянч сўзлар: тавозе-мулозамат, юкунмоқ, муддабира(тадбиркор), машварати, пакки(пичокча), шаръий, моҳир саркарда.

Кириш

“Бобурнома”да аёллар, уларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, ҳукмдорлар фаолиятидаги таъсир даражаси ҳақида мулоҳазалар ҳам баён этилган. Қуйида ана шу масалада тўхталамиз.

Асарда эски ўзбек тилига оид бир қатор манбаларда кузатилмайдиган архаик бирликлар ва муаллиф маҳорати билан белгиланувчи лексик, фразеологик окказионализмлар қўлланган. Масалан, тавозеъ-мулозамат этикетининг бир кўринишини ифодаловчи юкунмоқ феъли Бобурнинг аёлларга муносабатини ёритишда ҳам аҳамиятлидир: Аввал Поянда Султонбегим била юкунуб кўруштум, андин сўнг Офокбегим била юкунмай кўруштум, андин кейин Хадичабегим била юкунуб кўруштум. Бу ўринда шахснинг Поянда Султонбегим ва Хадичабегимга бўлган ҳурмати ва Офокбегимга салбий муносабати “юкунмоқ” сўзи орқали ифодаланган.



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th June, 2025

Сўз шахсининг ўзгаларга муносабати, мансаби, лавозими ҳақида маълум тасаввур беради. “...ортиқча илтифот, биринчи бўлиб юкуниш, келишилган жойдан ўтиб сўрашиш киши обрўйига салбий таъсир этган”.

Юкунмоқ “эгилмоқ, тиз чўкмоқ” маъносини билдиради. Аммо юкунмоқда фақатгина жисмоний эгилиш эмас, “бутун вужуди, борлиғи билан эгилиш” тушунчаси англашилади. Юкунмоқ феъли руҳий ҳолат, ҳаракат, инсоний эҳтиром ифодаси ҳамдир: уйдин киргач, уч юкундим. Юкунмоқ сўзи ўзига хос тавозеъни, миллий мулозамат этикетини, хусусан, аёлларга муносабат даражасини ҳам акс эттиришга хизмат қилган.[1]

Асосий қисм. Бобур давлат бошқарувида аёл шахсиятига юксак эътибор билан қараган. Унинг аёллар кадр-қимматини жойига қўйган, иззатларини бажо келтирган, зарур бўлганда Эсон Давлатбегим, Қутлуғ Нигорхоним, Хонзодабегим ва бошқа аёллар билан давлат ишлари муаммоларига оид масалаларни бамаслаҳат адо этган, уларнинг фикрини инобатга олган.

Эсон Давлатбегимнинг иккинчи қизи Қутлуғ Нигорхоним Бобурнинг онасидир. Бобур Эсон Давлатбегимга юксак баҳо берган: “Хотунлар орасида раъй ва тадбирда, менинг улуғ онам Эсон Давлатбегим кам бўлмай эди, бисёр оқила ва мударриба (тадбиркор) эди. Кўпроқ иш кучи аларнинг машваратида била бўлур эди”.

Бобур Самарқандни эгаллаган пайтда 1501 йил Эсон Давлатбегим ҳам унинг ҳузурида бўлган, кейинчалик Бобур Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлганда, Эсон Давлатбегим ҳам унинг ҳузурида бўлган, кейинчалик Бобур Самарқандни қўлга олганда, Эсон Давлатбегим бирмунча муддат шаҳарда қолган сўнгра қариндош-уруғлари билан оч наҳор ҳолатда Бобур ҳузурига етиб келган. Эсон Давлатбегимнинг Андижон шаҳри яқинида Қўштегирмон номли боғи бўлган.

“Тарихи Рашидий” асарида бу ўқтам аёл саргузаштидан бир ажойиб воқеа ҳикоя қилинган. Юнусхон Тошкентга меҳмонга келганида тасодифан Тошкент ҳокими Шайхжамолга асирга тушиб қолади. Ҳоким ўз яқинларидан Хожа Калон Камолга Эсон Давлатбегимни бермоқчи бўлади. Кечаси Хожа Калон Камол унинг ёнига кирганида, Эсон Давлатбегим ўз чўрилари билан унга



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th June, 2025

ташланиб, йикитиб, пакки (пичоқча) ва дук санчиб уни ўлдиришади. Ҳоким уни сўроқ қилганида, Эсон Давлабегим дадил туриб: “Мен Юнусхоннинг шаръий хотиниман. У номусимга тегмоқчи эди, мен уни ўлдирдим. Энди буни қасосига мени ўлимга ҳукм этинг”,- дейди. Шайхжамол бундай жасур, мард, шаънини пок химоя қилган аёлга қойил қолиб, Эсон Давлатбегимга от-улов бериб, отасиникига жўнатиб юборади.

Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳукмдори Юнусхоннинг қизи, Чингизхоннинг ўн тўртинчи авлоди. Қутлуғ Нигорхоним Умаршайх Мирзодан икки фарзанд кўрган: Хонзодабегим ва Бобур. Онаси 11 ёшида Фарғона тахтига ўтирган ўғлининг давлат ишларида ёрдам берган. Бобур Қобулни олган йили вафот этган: “Менинг волидам - Қутлуғ Нигорхоним эди, аксар қазоқликларда мен билан бирга эдилар. Қобулни олгондин беш-олти ой сўнгра тарих тўққиз юз ўн бирда тенгри раҳматига бордилар”. Қобулдаги Боғи Наврузийга дафн қилинган. Гарчи ўғлининг моғир саркарда, Темурийлар сулоласининг давомчиси, йирик салтанат ўрнатганини кўриш бахтига муяссар бўлмаса-да, Қутлуғ Нигорхоним буюк фарзандни вояга етказган тарихий шахсдир. Ниҳоятда қийин ва оғир дамларда ҳам ўғлининг ёнида бўлган, Бобурнинг қалбида ҳаётга ва одамларга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини мустаҳкамлаган.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг онаси, зукко ўзбек аёлларидан бири Қутлуғ Нигорхоним ўзининг оқила маслаҳатлари билан давлат бошқарув ишларига кўмак бериб, ўзига хос из қолдирган тарихий шахслардан бири. Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди. Бу хусусда тарихий манбалар, шунингдек, Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини ўқиб биламизки, Бобур Фарғона юришини ва давлат бошқарувини амалга оширишда волидаи муҳтарамасининг маслаҳатларига таянган.

Ушанда Мирзо Бобурнинг онаси ва опаси урушга қаршилик билдиришганди. Қутлуғ Нигорхоним “Самарқанд юришининг сарфу харожатига Андижонда саройлар, мадрасалар қурсангиз бўлур, Андижон ҳам Самарқанддек рўйи замин бўлса, номингиз Улуғбек Мирзонинг номидек машҳур бўлса, биз муштипарларингизнинг орзуйимиз шу”. Хонзода бегим эса “Иним, сиз Навоийнинг асарларини ёд билурсиз, унда Фарҳодни бунёдкорликларини ўқигансиз, сиз ҳам у каби бунёдкор бўлсангиз бўлур”. Бу гапларни эшитиб



International Conference on Medical Science, Medicine and Public Health

Hosted online from Jakarta, Indonesia

Website: econfseries.com

30th June, 2025

турган Бобур мажлис чақириб, маслаҳат солади. Минг афсус, уруш бошланди. Самарқанд қўлга киритилдию, Андижон фитначилар, сотқинлар туфайли қўлдан кетди.

Эндиликда инсоният тараққиётини ўрганиш билан шуғилланувчи кўпгина мутахассислар, кишилиқ жамиятининг барча соҳаларида аёлларнинг ролини ўрганмасдан туриб, инсоният томонидан босиб ўтилган тарихий йўлни тўлиқ англаб бўлмайди, - дея ҳисобламоқдалар.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Ризоуддин ибн Фахруддин, Шарқ аёллари ҳақида гапириб, шундай дейди:

“Эркақлар хулқ-у тарбия хусусида хотунлардан бошқа ҳеч бир кимсага бўйсунмаслар. Хатто буюк мактабларда-ю, олий фикрли одамлар ҳузурида илм ўрганувчилар ҳам оналаридан олган тарбиялари билан яшарлар ва бу тарбияни сўнгги кунларига қадар сақларлар”. [2]

Олим ўз фикрларини давом эттирган ҳолда хотин вазифасини, ёлғиз ош пиширмоғу, ётиш учун ўрин ҳозирламоқ, уй супурмоқ, боласи бўлса эмизиб, бешикка беламоғдан иборат дейдиган эрлар ҳам бўлади.

Ўшандоқ ўз вазифаларини билмаганларидан устларига юкланган вазифаларни оз нарсалардан иборат деб, эътиқод этувчи хотунлар бўлгани ҳам маълум. Кичкина бир мамлакат мисолида бўлган оилани бутун идора қилиш хотин зотининг бошида бўлганидек, унинг вазифаси ҳам оз эмас, балки бир мамлакат ишидек деб қарашдай улуғвордир, - дея хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеига ўз муносабатини билдирган эди.

Хулоса

Аёлларининг жамият тараққиётидаги ўрни, Шарқнинг кўплаб файласуфлари ва алломалари томонидан чуқур эътибор билан ўрганилганлиги, уларнинг бизгача етиб келган маданий ва маънавий меросида ,ўз аксини топган.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг, халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин ва бошқа кўплаб аёлларимизни ҳамиша эхтиром



билан тилга оламиз, - дея айтган фикрлари, туркийгўй аёлларимизнинг тарихий тараққиёт жараёнида нечоғли катта ўрин тутганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Холманова З. “Бобурнома”да аёллар тавсифи. “Бобурийлар салтанатининг ривожланишида аёлларнинг ўрни” мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари. 6-чиқиш. 2017. Т.: -Б. 11.
2. Қурбонова Л. Темурий шахзодаларнинг аёлларга муносабати. “Бобурийлар салтанатининг ривожланишида аёлларнинг ўрни” мавзусида республика илмий-амалий конференция материаллари. 6-чиқиш. 2017 Т.: -Б. 35.
3. “Шарқ уйғониш даври мутафаккирлар қарашларида инсонпарварлик ғояси ва уларнинг миллий тарбия тизимидаги ўрни”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети. Андижон 2015, - Б. 516.
4. Aripova Zulfiyaxon Salijanovna. (2025). Scientific Creativity and Synergetic Thinking. International Journal of Scientific Trends, 4(1), 188–192. Retrieved from <https://scientifictrends.org/index.php/ijst/article/view/484>
5. Арипова, Зулфияхон Солижоновна, and Мафтуна Мўминжон Қизи Аҳлиддинова. "Янгилаётган Ўзбекистонда оила ва маҳаллаларга эътибор долзарб масала." Science and Education 3, no. 6 (2022): 989-992.